„Совет Ўзбекистони" 1940 июль - сентябрь

1970 12 VII–IX

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН. ◆ 1 июль 1970 йил, чоршанба ◆ № 152 (14.618). ◆ Баҳоси 2 тийин.

БУЛУНҒУР ҒАЛЛАСИ

КРАСНОГВАРДЕЙСК, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Булунғур районининг колхоз ва совхозлари беш йиллигининг якунловчи йилида ўттиз уч минг тонна дон етиштириш, давлатга камида ўн минг тонна дон сотиш мажбуриятини олган эди.

Ғалла ўримини тез ва соз ўтказган «Октябрь», «Правда Востока», «Ленинобод», «Ленин йўли» колхозлари, 2-«Булунғур», «Россовет» совхозлари дон тайёрлаш планини бажариб, бир неча кундан бери социалистик мажбурият хисобига ғалла топширимоқдалар. Йирик ғаллакор «Правда Востока» колхози ҳозирданоқ давлатга 540 тонна дон сотиш планини 850 тонна қилиб бажарди. Хўжаликда кейинги беш кунликда графикдаги 800 гектар ўрнига 1321 гектар ердаги ғалла ҳосили ўриб-йиғиб олинди.

Район давлатга дон сотиш планини бажариш арафасида турибди.

ИЮЛЬ — ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР ОЙ!

Июль — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой. Моҳир сувчилар буни яхши билишади. Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг уста сувчиси Содиқ Тошхўжев кўп йиллардан бери ғўзаларга сув тараб катта тажриба тўплаган. У шу кунда ғўзаларни яшнатиб суғормоқда.

А. Тўраев фотоси.

Зомин районидаги «2- Зомин» совхозининг ғаллакорлари бу йил мўл дон ҳосили етиштирдилар. Совхоз далаларида 50 дан ортиқ комбайн ишлаб турибди. Ҳар гектар ердан олинаётган дон ҳосили 10-12 центнерни ташкил этмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) 3- бўлим агрономи Норбой Холйигитов, комбайнчилар Қорабой Алиқулов ва Абдуваббор Тожиқулов ўртоқлар буғдойзорда.

А. Горонрин фотоси, (ЎзТАГ).

МЕХАНИЗАТОР

Бу сўз қалбида халққа, Ватанга ҳалол хизмат қилиш иштиёқи туғён ураётган юзларча, мингларча дала гвардиячиларига мансуодир. Бепоён пахтазорларда юқори ҳосил етиштиришнинг нарвонбошиси оловқалб механизаторлардир. Кўз илгамас ғаллазорлардаги олтин бошоқларни ўриб-янчиб, давлат омборларига минг-минг тонналаб дон тўкаётган, саралачган уруғлик фонди жамғараётган ҳам механизаторлардир. Дала гвардиячилари номи билан шуҳрат қозонган механизаторлар катта пайкаллардаги сабзавот маҳсулотларини вақтида қазиб олиб халқимизга армуғон этмоқдалар. Маккажўхоридан силос бостираётган, табиий ўтлоқлардан ўт ўриб пичан ғарамлаётган, қишлоқ жойларга ем-сомон ташиб келтириш йўли билан чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаётган ҳам механизаторлардир. Механизация ва механизаторлар колхоз-совхоз ишлаб чиқаришида етакчи куч бўлиб қолди.

Механизаторларнинг пахтачиликни ривожлантириш, дала ишларини комплекс механизациялашда хизматлари айниқса катта. 4 миллион 100 минг тоннаник юбилей йили «оқ олтин»ининг тақдирини ҳал қилувчи катта куч механизация ва механизаторлардир. Механизаторлар яхши ният билан бир миллион 700 минг гектарга яқин майдонга барака уруғи қададилар, ғўза парваришини жадал суръатлар билан давом эттирмоқдалар. Улар ўз санъати ва маҳоратини ишга солиб, иккинчи культивацияни тугаллаб, учинчисини қизғин давом эттирмоқдалар. Дала гвардиячилари жонбозлик кўрсатиб ишлаётган жойларда ғалла олиш, ғўзани озиқлантириш, суғориш графиклари тўла ва ошириб бажарилляпти, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши таъсирли чоралар кўрилляпти.

Узунасига ва кўндалангига культивация ўтказиш қўл меҳнатини енгиллаштирибгина қолмасдан, шу билан бирга, ғўзанинг ўсиш ва ривожланишини тезлатади, иссиқлик, ҳаво ва намдан яхши баҳра олишига, кўп ҳосил тўплаши ва тез етилишига ҳам имконият яратади, бегона ўт илдизи билан қиралиб кетади. Буни яхши тушунган Наманган, Андижон, Сурхондарё Тошкент областларининг механизаторлари 85-90 процент пахта майдонида икки томонлама культивация ўтказдилар ва бу муҳим агротехника тадбирини изчиллик билан давом эттирмоқдалар.

Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози 1887 гектар майдонда ғўза ўстирляпти. Бу хўжаликда дала ишлари деярли тўла механизациялаштирилган, чигит экишдан тортиб пахтани йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг асосий қисмини механизмлар ва механизаторлар бажаради. Колхозда учинчи комплекс ғўза парвариши тугалланай деб қолди. Агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётган ғўзалар ёппасига шоналаяпти, гуллаяпти. Бўка районидаги «Ленин йўли», «Гулистон» колхозларининг механизаторлари ҳам парваришни нучайтириб, ғўзаларни бир текис шона ва гулга киритиб олдилар.

Республикамизда қалб қўри, юрак ҳарорати, бутун кучини дала ишларини комплекс механизациялашга бахш этаётган донгдор механизаторлар жуда кўп, уларнинг сафи тобора кенгайяпти. СССР Олий Советининг депутатлари Шоймардон Қудратов, Зарип Раматов, Жумабой Тангирберганов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Ўғилжон Нуриллаева, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Инобат Охунова каби карвонбоши механизаторларнинг номини ҳаммаё ҳурмат билан тилга олади. Улар юбилей йилида 900-1000 гектар майдонда культивация ўтказиш, ўзлари бошчилик қилаётган бригадаларда гектаридан 45-50 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар.

Ленин дала гвардиячиси, юқори ҳосил байроқдори — механизатор номини шарафлаш учун астойдил курашмаётган, пахтакорлар карвонига карвонбошилик қилишнинг уддасидан чиқолмаётган механизаторлар, механизацияннинг кучига ҳамон тан бермаётган хўжалик раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Қорақалпоғистон Автоном республикасининг кўпчилик колхозлари ва совхозларида ғўза парвариши ниҳоятда кечиктириб юборилляпти, культивация, экинни озиқлантириш, суғориш графиклари қониқарсиз бажарилляпти, чигит қайта экилган майдонлардаги ғўзаларни табақалаб парваришлашга етарли эътибор берилмаяпти. Универсал тракторлари бекор турибқолмоқда, иш унуми паст бўлмоқда. Афсуски, бундай ачинарли аҳвол Хоразм ва Самарқанд областларининг айрим районларида ҳам рўй бермоқда. Механизаторлар бу камчиликларни тугатишда авангардлик ролини ўйнамаётирлар.

Деҳқон ҳисобича ёз чилласи кирди. Бу кезда ғўзалар қийғос ҳосил тўплайди, шонани гулга, гулни кўсакка айлантиради. Шундай бўлгач, механизаторларимиз ҳар қачонгидан жонбозлик кўрсатиб ишлашлари, ишда сон билан сифатни бир-бирига боғлаб олиб боришлари, узунасига ва кўндалангига культивация ўтказишни бутун чоралар билан кучайтиришлари лозим.

Тажрибали механизаторлар кунлик графикни ошириб бажарляпти. Лекин графикни бажармаётганлар ҳам йўқ эмас. Бир кунда 4-5 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини юмшатиб, тракторнинг «умри»ни бекор ўтказаётган механизаторлар бор. Қолоқларни илғорлар даражасига етказиш ғўза парваришини кучайтиришнинг муҳим омилидир. Норма — 8-10 гектар, сифат — аъло! Механизаторларимизнинг бугунги шиори шундай бўлиши керак.

Чигит экиш тугагач, пайкалдан чиқиб кетган универсалларнинг бир қисми қайта пайкалга киритилгани йўқ. Анчагина тракторлар ремонт баҳонаси билан автотрактор парклари ёнида ётибди. Кўчма устаҳонаси ёрдамига муҳтож бўлиб турган агрегатлар бор. Уларни тўла ишга тушириш сира кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Механизаторлар орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш керак. Ишга эрта чиқиш, кунлик графикни тўла ва ошириб бажариш одат тусига киритилиши лозим. Халқимизда «ишни уйқусида бос», деган мақол бор. Шу кунларда тонг саҳарда ва кечки салқинда жасорат билан меҳнат қилган механизатор ютади.

Қийғос ҳосил тўплаётган ғўзаларнинг озуқага бўлган талаби шу кунларда айниқса ошди. Культивация вақтида ғўзаларни минерал ва махаллий ўғитлар қоришмаси билан озиқлантириш пахтакор деҳқонлар, механизаторларнинг жонажон ишидир. Ўғитлагич агрегатларисиз культивация ўтказиш — бир иш икки қилинди сарф-харажат ортди, пахтанинг таннархи қимматлашади, деган сўз. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Механизаторларимиз юбилей йилида камида 1 миллион 900 минг тонна пахтани машиналарда териб бериш мажбуриятини олганлар. Ғўзаларни шу кунларда машина теримига боп қилиб ўстириш, кўп ҳосил тўплаш, уни тула сақлаб қолиш механизаторларимизнинг муқаддас бурчидир.

Пахтадан юқори ҳосил етиштиришни сувчилар, чопиқчилар, химизаторлар меҳнатисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шундай бўлгач уларнинг самарали меҳнати механизаторларнинг иши билан чамбарчас боғланган ҳолда давом эттирилиши лозим. Механизатор сувчининг меҳнатини қадрлагани каби сувчи ҳам механизатор ва чопиқчининг меҳнатини қадрласин.

Колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари механизаторларга ғамхўрликни кун сайин нучайтиришлари лозим. Улар иссиқ овқат, чой, мева-чева билан мунтазам таъминлаб турилиши, иш ҳақи вактида берилиши, илғорлар рағбатлантирилиб, уларнинг иш тажрибаси кенг кўламда оммалаштирилиши лозим.

ҒАЛЛАКОРЛАР ШИЖОАТИ

Республикамиз ғаллазорлари шу кунларда бамисоли катта кураш майдонига ўхшаб кетади. Меҳнатсевар деҳқонлар бепоён далалар кенгликларида етилган мўл ҳосилни ўриб-йиғиб олишни тобора жадаллаштириб, бирин-кетин ўзлари кўзлаган марраларни эгалламоқдалар.

Кеча яна хушхабар кетидан хушхабарлар келди: Сирдарё область, Фориш районининг азамат ғаллакорлари ўрим-йиғим ишларини поёнига етказганликлари тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Улар 26 минг 688 гектар ердаги ғаллани ўриб-йиғиб олишга муваффақ бўлдилар. План 102,2 процент қилиб адо этилди.

Сирдарё областининг Пахтаорол райони ҳам ғалла ўрими планини бажарди. 1427 гектар даги ғалланинг ҳаммаси ўриб олинди. Шунингдек, Киров райони, Ильич райони ғаллакорлари ҳам ўрим-йиғим ишлари топшириғини бажарганликлари тўғрисида редакцияга хабар қилдилар.

ТУРКМАНИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ СИРДАРЁ ДАЛАЛАРИДА

ЖИЗЗАХ, 30 июнь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерга Туркманистон қишлоқ хўжалик ходимларининг ўзаро текшириш бригадаси келди. Бригадага Бутуниттифоқ ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти филиали агротехника бўлимининг бошлиғи ўртоқ А. В. Қудратуллаев раҳбарлик қилмоқда. Делегация составида колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бор. Делегация аъзолари группаларга бўлиниб, Жиззах, Боёвут, Еттисой районлари хўжаликларига чиқиб кетишди. Улар бир неча кун давомида ўзаро мусобақа шартлари қандай бажаралётганлигини ва ғўза парвариши аҳволини кўздан кечирадилар.

КУТУБХОНА БАЙРАМИ

Ўзбекистонинг ўзи эмас, балки бошқа қардош республикаларнинг ҳам неча минглаб олимлари, инженерлари, хилма-хил касб эгалари Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида мутолаа қилган кунларини доим эсда тутадилар.

Шунинг учун ҳам республикамиз бу кутубхонанинг шонли санасини зўр тантана билан нишонламоқда. Китоб саройи ташкил этилганига роса юз йил тўлди.

30 июнда ишлаб чиқариш новаторлари, илмий ходимлар ва студентлар, маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари шонли юбилей тантаналарида қатнашиш учун Алишер Навоий номли театрга тўпланишди. Ўзбекистондаги ва бошқа қардош республикалардаги кутубхоналарнинг ходимлари ҳам бу ерга келишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан ана шу кенса маданийоқартув муассасасининг ходимларини самимий табриклади. Р. Н. Нишонов юбилей муносабати билан берилган мукофот — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини кутубхона коллективига топширди.

Кўп ташкилотлар ва меҳнаткашлар коллективларидаги вакиллари мажбарга чиқиб, кутубхона босиб ўтган шонли йўл ҳақида, китоб пропагандистларининг олижаноб хизмати ҳақида гапирдилар. (ЎзТАГ).

ОМИЛКОРЛАР

Бу далалар бўйлаб сайр қилсангиз баҳри-дилингиз очилади. Пайкаллардаги ғўзалар худди ипга чизиб қўйгандек бир текис.

Дала ишлари билан таниш-дик. Илгор кишилар ҳақида суҳбатлашдик. Суҳбат давомида коммунистларнинг колхоз ишлаб чиқаришидаги ўрни, уларнинг ташаббус ва шижоат кўрсатиб ишлаши, авангардлик роли ҳақида гап борди.

Колхоз партия комитетининг секретари Обиджон Такабоев хўжаликнинг жанговар отряди бўлган коммунистларнинг номини ҳурмат билан тилга олди:

Абдусамад Убайдуллаев. Бригада бошлиғи. Бирон йил у бошчилик қилаётган бригадада план бажарилмай қолганини билмаймиз. Ўтган йили 30 центнердан ҳосил йиғиб олди. Бўз ерларда ҳам мўл ҳосил олиш мумкин эканлигини амалда исботлади. Бригада аъзоларининг юбилей йилидаги аҳди янада зўр. 80 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Яганалаш сифатли ўтди. Биринчи парвариш тамом бўлди. Иккинчиси бошлаб юборилди.

Коммунист Убайдуллаевнинг бир ҳислатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. У бирор янгилик эшитса ёки топса ўшани ишлаб чиқаришга жорий қилишга жон-дилдан киришади. Ўзи ниҳоятда одобли ва камтарин. Унга қандай топшириқ берилмасин, уни вақтида бажаради ва оқибатидан сизни албатта хабардор қилади. Топширилган ишга юксак масъулият билан қарайди. Мана бир мисол. Эрта баҳор. Ҳамманинг диққат-эътибори ерга яхоб бериш ҳамда шўр ювишга қаратилган эди. Абдусамад ака экин вилт касаллигига чалинадиган майдонларнинг структурасини ўзгартириш масаласини ўртага ташлади.

— Ўтган йили бригадамизда 20 гектардан кўпроқ майдондаги ғўзалар вилтга чалинди. Натижада у ердаги пахтанинг ғози бўлмади. Ҳосили икки теримдаёқ тамом бўлди. Ўша майдонларга чириган ғўнг, янги тупроқ ва суперфосфат солиб текислаш, яхобга мириқтириш керак. Уруғ ҳам тез униб чиқади. Ўсимлик яхши ривожланади, — деди у.

Таклиф маъқулланди. Ер экишга эрта ва сифатли тайёрланди. Механизатор Н. Нурматов уругни ўтган йилдагидан 12 кун илгари экиб бўлди. Уруг ернинг ўз намига ундириб олинди.

Коммунист Райимжон Мамажонов, Қосимжон Элчиев, Абдумухтор Абдуллаев, Бурхон Ғаффоров ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳам ғўзалар яхши парвариш қилинаётир.

Аҳмаджон ота Нурматов. Колхоз тузумининг ветеранларидан. У кўп йиллар участка ва бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Ҳозир кексайиб қолганига қарамай, йигитлардек ғайрат кўрсатиб, дала ишларида фаол қатнашмоқда.

— Шу кунларда, — дейди Аҳмаджон ота, — мўл ҳосилга пухта замин яратадиган давр. Ҳосил кўчатдан бунёд этилади. **Кўчатни сақлаб қолиш, уни тез ривожлантириш, менимча, шу кеча-кундузда икки кишининг қўлида. Буларнинг бири механизатор бўлса, иккинчиси сувчидир.**

Отахонга пенсияга чиқибсиз, қарилик гаштини суриб дам олсангиз қандай бўларкин, дедик.

Арқонга қил қувват деганларидек ёшлар ёнида бўлсак, уларга баҳоли қудрат ёрдам берамиз. Билмаганини ўргатамиз.

Мелибой Йўлчиев. Бу йигит механизатор. Дала хўжайини. Техникага ихлос қўйганлардан. У кунига 8-9 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини юмшатиб, дала ишларини қизитишда бошқаларга намуна кўрсатаётир.

Алижон Ҳошимов. Сувчи. Ҳар туп ғўзани соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши сувчининг қўлида. Колхозимизда Алижон ака якка эмас. Неъмат Нурматов, Раҳмат Омонов, Жўрабой Эгамбердиев каби олтмишга яқин миришкор сувчиларимиз бор. Улар ёш ниҳолларни қондириб суғориш учун туну-кун ҳормай-толмай меҳнат қилишаётир.

Бўз районидаги «Ленинчи» колхозининг меҳнатсевар пахтакорлари катта хирмон бунёд этиш иштиёқида меҳнат қилишаётир.

М. БОБОШЕВ,
Андижон области.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

30 июнда Москвада Катта Кремль саройида еттинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг еттинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10. Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, шунингдек РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси ва раис ўринбосарлари, РСФСР Олий Совети Президиумининг аъзолари, Россия Федерацияси ҳукуматининг аъзолари президиумга чиққанларида депутатлар ва меҳмонлар уларни давомли қарсаклар билан кутиб олишди.

Сессияни РСФСР Олий Советининг Раиси депутат М. Д. Миллионщиков очди.

Қуйидаги масалалар сессия муҳокамасига тақдим этилди:

1. РСФСР маҳаллий саноатининг иши тўғрисида.

2. РСФСР ер кодекси лойиҳаси тўғрисида.

3. РСФСР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш.

РСФСР маҳаллий саноат министри В. К. Успенский кун тартибидаги биринчи масала юзасидан доклад қилди. (ТАСС).

СССР Министрлар Советининг давлат Нарх комитетида

СССР Министрлар Советининг давлат Нарх комитети маълум қиладики, 1970 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

— шампан виноси ва коньяк, ёғоч-тахта материаллар ва дераза ойнасининг давлат чакана нархлари оширилади;

— кинескопининг ўлчами диагонали бўйича 35 сантиметрдан 47 сантиметргача бўлган барча маркалардаги телевизорларнинг, эркаклар, хотин-қизлар ва болаларнинг капрондан тўқилган пайпоқларининг ва эластик ипдан тўқилган эркаклар кўйлагининг ҳамда суюқ ва пастасимон синтетик кир ювиш воситаларининг давлат чакана нархлари арзонлаштирилади.

КОЛХОЗЛАР РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

29 июнда Тошкентда Ўзбекистон колхозлари республика кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залига кенгаш аъзолари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликларининг вакиллари, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг вакиллари йиғилишди.

Кенгаш Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри Н. Ж. Худойбердиевнинг 1971—1975 йилларда республика колхозларида қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги докладини тинглади. Шунингдек колхозларнинг 1969 йилги молия-хўжалик фаолиятининг якуни билан боғлиқ бўлган масалаларни, ишлаб чиқаришга комплекс механизацияни жорий этишнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари ҳақидаги, машина-трактор паркидан фойдаланишни, хўжаликларда ердан ва коллектив-зовур шохобчаларидан фойдаланишни яхшилаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди.

Кенгаш муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

(ЎзТАГ).

30 ИЮНЬ — ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИ

Республика областларида ғалла ўрим-йиғими ва дон тайёрлашнинг борыши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

1 - стун — бир кунда ўрилган майдон (гектар хисобида); 2 - стун — мавсум бошидан буён (гектар хисобида); 3 - стун — планнинг бажарилиш процанти, 4 - стун — бир кунда тайёрланган дон (тонна хисобида), 5 — стун — мавсум бошидан буён (тонна ҳисобида), 6 - стун планнинг бажарилиш процанти.

Андижон	326	7502	86,2	—	70	—
Фарғона	116	3719	75,9	15	99	—
Сирдарё	4529	138122	75,4	1393	41213	100,5
Қашқадарё	6087	198204	69,1	2063	54284	113,1
Наманган	153	6491	63,6	60	315	—
Самарқанд	14392	233531	63,0	5185	40410	69,7
Сурхондарё	1707	34629	56,6	187	7597	94,9
Бухоро	308	5485	50,8	—	835	—
Тошкент	1853	40222	43,6	610	5633	51,2
Республика бўйича:	29471	667905	64,9	9513	150456	90,6

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республика областларида картошка, сабзавот ва мева тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1970 йил 29 июнга бўлган

МАЪЛУМОТ

(тонна ҳисобида)

1- стун — картошка плани; 2- стун — тайёрлангани. 3- стун — сабзавот плани, 4- стун — тайёрлангани, 5- стун — мева плани, 6- стун — тайёрлангани.

Тошкент	32700	3733	200000	30709	17000	3471
Сирдарё	1000	—	18000	893	4000	508
Фарғона	8700	329	50000	13486	4000	1888
Наманган	1800	40	32000	4006	4000	796
Андижон	500	—	40000	6122	4000	755
Самарқанд	11000	314	90000	5950	7700	778
Бухоро	—	—	20000	1518	1000	863
Қашқадарё	1000	176	20000	677	4000	479
Сурхондарё	1500	1008	15000	6686	3000	397
Хоразм	300	—	11000	1009	300	165
Қорақалпоғистон АССР	1500	—	11000	216	2000	149
Республика бўйича:	60000	5600	507000	71272	51000	10249

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

*ТЕЖАМКОРЛИК — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

*Назоратнинг кучи — унинг ошкоралигида.

*Шикоят хатлари текширилганда...

*Андижон областида бедапоялар нега кам?

Янгийўл районидаги «Москва» колхозининг халқ назоратчилари гўзани сугориш ва парвариши қандай бораётганини текшириб туришади. Суратда (чапдан) участка бошлиғи М. Умаралиев, сувчи Б. Ғаниев, сифат инспектори А. Мирваҳобов, халқ назоратчиси М. Юсупов ва колхоз партия ташкилотининг секретари Б. Мустафаев ўртоқлар гўза сугорилишини кўздан кечиришаётир.

А. Тўраев фотоси.

Завод назоратчилари тажрибасидан

ҲИССАМИЗ

Ҳар бир иш аниқ план асосида, мақсадни кўзлаб тузилса ва қатъиятлик билан амалга оширилса, кутилган натижани бераверади. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг тежамкорлик ҳақидаги Хати асосида биз завод халқ контроли группа ва постларининг бир йилга мўлжалланган иститқбол планини ишлаб чиқдик. Унда заводдаги 14 та цех халқ контроли группаси, 3 та пост, 7 та сектор олдига аниқ вазифалар қўйилган.

Тежамкорлик учун курашни биз асосан ташкилий-техникавий тадбирлар планининг бажарилиши, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ускуналардан оқилона фойдаланиш, социалистик мулкни сақлашнинг аҳволини ўрганишдан бошладик.

Яхши план тузиш бу ҳали ишнинг бошланиши. Гап уни рўёбга чиқаришда. Биз амалий ишга киришдик. Халқ назоратчилари 6-цехда тайёр деталларни ҳисобга олинишини текширишди. Улар бу ерда ошириб ёзиш ва кузбўямачиликка йўл қўйилаётганлигини аниқлашди. Назоратчиларнинг таклифи билан айдорларга тегишли чора кўрилди. Етказилган зарар улардан ундириб олинадиган бўлди. 1-цехда эса иш вақтидан қандай фойдаланилаётгани ўрганилди. Бу борада қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Текшириш натижаси цех партия ташкилотининг йиғилишида муҳокама қилинди.

Завод миқёсида қисилган ҳаво ва электр энергиясидан қандай фойдаланилаётганлиги ҳам синчковлик билан ўрганилди. Ҳаво ўтказгичларнинг қониқарсиз бўлганидан бир кеча-кундузда 2,5 минг куб метрга яқин қисилган ҳаво исроф бўлаётганлиги аниқланди. Бир кеча-кундузда 100 киловатт соат электр энергияси исроф қилинган. Назоратчиларнинг ёрдами билан бу борадаги камчиликларга ҳам ўз вақтида чек қўйилди.

Заводимиз халқ назоратчиларининг йиллик перспектив планида ҳар бир кварталда қилинадиган ишлар ўзининг тўла ифодасини топган. Корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига доир ҳамма томонни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Белгиланган ҳар бир тадбир завод маъмурияти, партия комитети, жамоат ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, фикрлашиб, ҳамкорликда амалга оширилади. Ҳар бир тадбир завод халқ контроли группаси бюро мажлисида, цех халқ контроли аъзолари йиғилишида тасдиқланади. Уни ким ва қачон бажариши аниқ кўрсатиб қўйилади. Бизда умумзавод халқ контроли группаси ва цех халқ контроли группа ва постлари учун мунтазам тавсиянномалар ишлаб чиқиш практика қилинмоқда. Бу эса назоратнинг таъсирчанлигини оширишда ва самарали бўлишида жуда қўл келмоқда. Масалан: ёғочни кайта ишлаш цехидаги аҳволни ўрганиш шу цех назоратчиларига тавсия этилди. Текширишда мазкур цехда ҳисоб-китоб ишлари ўлда-жўлда эканлиги сезилиб қолди. План-тақсимлаш бюроси мудири Захаровнинг айби билан кўпгина ҳужжатларда чалкашликка йўл қўйилганлиги аниқланди. Назоратчиларнинг таклифи билан текшириш натижаси завод маъмурияти, партия комитети ва цех партия йиғилишида кўриб чиқилди. Топширилган ишга масъулиятсизлик билан қарагани учун Захаров лавозимидан бўшатилди ва партиявий жазо олди.

Биз ҳар бир текшириш ёки рейдга пухта тайёргарлик кўрамиз. Текшириш ва рейдларга мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қиламиз. Текшириш ёки рейдга қатнашувчиларга тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериладн. Ҳар бир текшириш поёнига етказилгач, аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган қандай чора-тадбирлар кўрилганлигидан кенг жамоатчиликни хабардор қиламиз. Шу билан назорат ишининг ошкоралигини таъминлаётирмиз.

Бултур ва шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 140 га яқин текшириш ва рейд ўтказдик. Натижада фойдаланилмай ётган кўплаб ички резервлар мавжудлиги аниқланди. Моддий ва меҳнат ресурсларидан ўринсиз фойдаланишга барҳам берилди. Қўл меҳнати билан бажарилаётган ишлар механизмлар зиммасига юклатилди. Ишлаб чиқаришнинг айрим жараёнлари автоматлаштирилди.

Завод халқ назоратчиларининг перспектив план асосида ишлашлари ўз самарасини кўрсатаётир. 1968 йилда республика Халқ контроли комитети завод назоратчилари фаолиятида жиддий камчиликлар борлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди. Айниқса, сифатли маҳсулот тайёрлаш бўйича саратовликлар ташаббусини жорий қилишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги жиддий танқид қилинган эди. Шундан сўнг халқ назоратчилари бу масалага доимо алоҳида эътибор билан қаради. Бу соҳада аниқланган ҳар бир камчилик ўз вақтида бартараф қилинди. Эндиликда ҳар ойда заводимизда «сифат куни» ўтказилаётган экан бунда назоратчиларимизнинг ҳам сезиларли ҳиссалари бор. Шуни айтиш кифояки, бултур ва шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида заводимиз сифат бўйича бирорта рекламация олмади.

Завод назоратчиларининг машина, механизм, агрегат ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, ҳисоб-китоб ишлари, иқтисод ва тежамкорлик борасидаги ишларидан бир талай мисоллар келтириш мумкин. Фақат ўтган йили халқ мулкининг сезгир посбонлари ташаббуси билан янги техниканы жорий этиш бўйича 8 та тадбир амалга оширилди.

Яқинда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети заводимиз назоратчилари фаолиятини муҳокама қилди. Эришган муваффақиятларимизни таъкидлаш билан бирга, ишимиздаги қамчиликларни рўй-роҳат кўрсатиб берди.

Биз ана шу камчиликларни қанчалик тез тузатсак, завод коллективи олдига қўйилган муҳим вазифани бажариш ишига яқиндан ёрдам берган ва салмоқли ҳисса қўшган бўламиз.

Б. ТОКМИН,
Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи халқ контроли группасининг раиси.

РАССОМ ҲАНҒАСИ

Холодильникни сотиб олдим, бироқ музни қаердан топишга ҳайронман...

Айрим гишт заводлари сон кетидан қуваб, сифатни унутиб қўлётир.

Ишдан қуруқ қайтмабсан деб, уйдагилар ҳам ҳурсанд бўлишади.

Суратларни М. Воробейчиков чизган.

ИЗЛАНИШ, ТАШАББУС

Бу ердаги халқ назоратчиси бурчагини ветеранлардан тортиб, мактаб ўқувчисигача, хўжалик раҳбаридан тортиб оддий колхозчигача яхши билади. Правление идорасининг бу хонасида одам доимо гавжум бўлади. Кимдир колхоз раисини кутади, кимдир партия комитетига келган, бухгалтерда иши борлар ҳам учрайди. Хонадаги сатирик варақа, «Комсомол прожектори», «Молния» деворий газетаси кишилар эътиборини тортади.

Пастдаргом районидаги «Коммунизм» колхози халқ контроли группасининг раиси Шомурод Ўроқов ва халқ назоратчилари мазкур бурчакни дид билан безатганлар. Назорат ишининг ошкоралигини таъминлаш учун унинг турли форма, воситаларидан оқилона фойдалана билмоқ лозим. Бу ишга ҳаваскор рассомлар, ёш қалам-кашлар кенг жалб қилинди. Масалан, «Молния» деворий газетасини чиқаришни асосан ёшлар ўз зиммаларига олишган. Деворий газеталарга кўнгилли ёрдамчилар ферма ва далачилик бригадаларидан хатхабар ва мақолалар уюштиришади. Активлар сафи мунтазам ўсиб бормоқда, халқ назоратчиларининг ҳар бир чиқишлари қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда. Натижада халқ назоратчилари бурчаги кўпчиликни ўзига жалб қиладиган жойга айланди.

Халқ назоратчиси бурчаги Шомуроднинг энг севган жойи. У бу ерда халқ назоратчиларининг вазифалари ва хўжалик раҳбарларининг масъулияти ҳақида тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. Редколлегия аъзолари билан мақолалар ва келгуси сатирик варақалар учун карикатуралар тайёрлайди.

— Кўпчилик мулкига кўз олайтиришга журъат этганларни қўлга туширш осон иш эмас. Шунинг учун аниқланган камчиликлар ва уни тугатиш юзасидан кўрилган тадбирларни ошкоралаштириш, бутун колхозчиларга вақтида маълум қилиш кундалик ишимизда бизга катта фойда бермоқда. Бунинг тарбиявий таъсири ҳам катта. Биз турли кўргазмали воситалардан унумли фойдаланаётганимиз ҳам ўзининг ижобий самарасини беряпти, — дейди Шомурод Ўроқов.

Шомурод назоратчилар фаолияти ҳақида гапирар экан, ўз ёрдамчилари номини ҳам фахр билан тилга олади. Бу группа аъзоларидан колхоз комсомол комитетининг секретари Аминжон Ғаффоров, Сулаймон Одиловларни кўрсатиш мумкин.

Улар чизган расмлар, ёзган мақолалар колхоз мулкига қиёнат қилувчи ялқов ва текинхўрларга берилган зарба бўлиб, бозорн ва ичкиликбозларни тартибга чақиради.

— Мана, бир қаранг-а, — дейди Шомурод «Жанговар варақа»га ишора қилиб. Унда фермадан эшакка қанорда сомон ортиб кетаётган кишн тасвирланган. У атрофига олазарак бўлиб қараб кетяпти. Бу «Жанговар варақа»нинг тарихи шундай... Бир куни сут-товар фермасида халқ контроли пости аъзоси Сафар Иброҳимов кузатиш ўтказди. У ферманинг айрим ходимлари озуқани ўғирлаётганлигини аниқлади. Фурсатни ўтказмасдан Шомурод ва группа аъзоси А. Ғаффоров кечқурун фермага йўл олдилар. Кечки пайт фермадан эшакка сомон ортиб кетаётган шахсни қўлга туширдилар. Бу молбоқар Тўрабой Хўжақулов экан. У қўлга тушгач, қўйиб юборишларини ялиниб, илтижо билан сўрайди. Лекин халқ назоратчилари бунга кўнмадилар. Ишни охирига етказдилар. Тегишли акт тузилди. Молбоқар қилмишига яраша жазоланди. Лекин иш айбдорга чора кўриш билан тўхтаб қолмади. Ўша воқеа содир бўлган куннинг эртасигаёқ назоратчилар бурчагида айбдорларнинг афти-ангорини очиб ташлайдиган «Жанговар варақа» чиқарилди. Бу масала колхоз правлениесининг мажлисида ҳам кўриб чиқилди. Унда ферма мудири, ҳисобчи ва чорвачилик бўйича бухгалтернинг ахборотн тингланиб, фермадаги ишларни тафтиш қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ем-хашак ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб ишларида қатъий тартиб ўрнатиш ҳамда хўжасизлик ва колхоз мулкини талон-торож қилиш ҳолларига қарши кескин курашиш тадбирлари белгиланди.

— Мана, бу расмда ҳам яқинда бўлиб ўтган бир воқеа ўз аксини топган, — дейди Шомурод Ўроқов яна бир ҳажвий суратни кўрсатиб. Унда товуқнинг катта тухуми тасвирланган. Унинг остига қисқача тушунча берилган: Товуқчилик фермасида 1 минг 400 товуқдан ҳар ойда 1500 тадан тухум олинаётир. Бундан ферма маҳсулотнинг таннархини билиб олиш унча қийин эмас. Ферма топшираётган ҳар бир тухум жуда қимматга тушаётир. Шунинг учун ҳам унинг тепасига «Олтин тухум» деб жуда ўринли сарлавҳа қўйилган. Шомурод Ўроқов саволни кутмасданоқ ферма мудири Ф. Романенко ишдан бўшатиб юборилганлигини айтди.

Ш. Ўроқов билан бу ерга қўйилган турли расмларни бирин-кетин кўздан кечирямиз. Ў карикатураларни диққат билан кузатаркан, бўлиб ўтган воқеалар эсига тушган бўлса керак, мийнгида кулиб қўйди. Унинг айтишича, бу ердаги ҳар бир расм бирор воқеага бағишланган. Мана улардан бири. Ферма қовлисидан семиз бир говмиш сигирни етаклаб чиқиб кетаётган киши тасвирланган. Ферма мудири Авазов фермадаги говмиш сигирлардан бирини ўзиники қилиб олиш мақсадида уйига келтириб олади. Унинг ўрнига бузоқни элтиб қўймоқчи эди. Бироқ халқ назоратчилари воқеани вақтида пайқаб қолишди. Сигир фермага қайтарилди. Авазов эса ферма мудирлигидан бўшатилди.

— Халқ назоратчилари, — дейди Ш. Ўроқов, — хозирги пайтда гўза парваришининг сифатли ўтишини начиллик билан текшириб боришяпти. Улар бу соҳада халқ назоратининг барча формаларидан ўринли фойдаланмоқдалар.

Редколлегия аъзоларидан А. Ғаффоров ва С. Обидов ўртоқлар ҳажвий варақанинг янги сонини тайёрлашяпти. Орадан бир оз фурсат ўтгач, бу «Ҳажвий варақа» ҳам назоратчилар бурчагидан жой олади. Ўз вазифасига нисбатан масъулиятсизлик билан қараётган, давлат ва жамоат мулкига кўз олайтираётган, тежамкорликка риоя қилмаётган, давлат мулкининг исроф қилинишига йўл қўяётган шахсларнинг хатти-ҳаракати халқ назоратчилари томонидан ана шундай фош қилинмоқда.

А. АГИШЕВ.
Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг штатсиз сектор мудири.

КЎЗБЎЯМАЧИ

Халқ контроли группасига хат тушди. Уни раис столига кимдир ташлаб кетибди. Мактубга бир бригададан уч киши қўл қўйган. Улар **«ўртоқ Ҳамро Эшмуродов бошлиқ бригадада меҳнатга ҳақ тўлашда кўзбўямачилик қилинмоқда. Бригада ҳисобчиси Рамазон Хусенов қилинмаган ишларни ҳам қилинди деб баъзи кишиларга ортиқча ҳақ ёзмоқда. Қўли эгриларни тартибга чақириб қўйишингизни сўраймиз»** деб мурожаат қилишибди.

Эртасигаёқ халқ контроли группасининг йиғилиши чақирилиб, ўзаро маслаҳатлашиб олинди. Текширишда мактубга қўл қўйганлар ҳақ бўлиб чиқди. Колхоз правлениеси бригада бошлиғи ва ҳисобчига қаттиқ хайфсан эълон қилди.

«Бухоро» колхози халқ контроли группаси олиб бораётган бундай ишлар оз эмас. Группа аъзолари ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасидан кўз-қулоқ бўлиб турадилар.

Хўжаликда қорамолчиликнинг тўғри изга солинишида ҳам колхоз халқ контроли группасининг ҳиссаси катта бўлди. Назоратчилар қорамолчилик фермасида молларнинг зоти пасайиб кетаётганлиги ва ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори камайиб бораётганлигининг туб сабабларини жуда тўғри топишди. Текширишда аниқланишича, ферма мудири Муртазо Тўраев ишга эътиборсиз қараган.

— «Фермада аҳвол ночор. Коммунистларни уюштириб, ферма ишида кескин бурилиш ясаш керак. Анс ҳолда пахтачиликдан келаётган даромаднинг кўп қисми чорвадаги зарарни қоплашга кетади. Чорвачиликдан ҳабардор, ташаббускор ва меҳнатсевар бир кишини фермага мудир этиб тайинлаш ночор аҳволни яхшилашнинг асосий омили бўлади». Халқ контроли группаси ана шундай қарорга келди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти эса бу қарорни тасдиқлади. Фермага ишнинг кўзини биладиган, меҳнатга ижодий муносабатда бўлувчи коммунист Дониёр Бўронов мудир этиб тайинланди.

Колхоз халқ назоратчилари шу кундарда хўжаликда тежамкорликка қандай амал қилинаётганлиги билан қизиқиб, бригада ва фермаларда текшириш ишлари олиб борموқдалар. Улар бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташлаб, уларни бартараф этиш йўларини кўрсатиб берадилар ва бу йил пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга етказишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Р. РУЗИЕВ,
Навоий райони.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ИЛГАРИГИ ДОВРУҚ ҚАНИ?»

Газетанинг шу йил 27 май сонида босилган «Илгариги довруқ қани?» сарлавҳали танқидий мақолада, шунингдек 5 июнь сонидаги сувчи ҳақидаги бош мақолада Бухоро областидаги кўп хўжаликларда, айниқса Ғиждувон ва Шофиркон районларининг хўжаликларида сув исроф бўлаётганлиги, гўзани сугоришдаги тартибсизлик, сувдан унумли фойдаланмаслик ҳоллари танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг секретари В. Петровнинг редакцияга маълум қилишича, ҳар икки мақола Шофиркон ва Ғиждувон районлари партия комитетларининг кенгайтирилган бюро мажлисларида, шунингдек қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида муҳокама қилинган. Ғиждувон районидаги С. Айний номли, «Ёш ленинчи», «Партия XXII съезди», Шофиркон районидаги Куйбишев номли, Жданов номли, Ильич номли колхозларда гўза парвариши ва экинларни сугоришдаги камчиликлар тўғри танқид қилинганлиги таъкидланди.

Муҳокама вақтида бу хўжаликларнинг раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди. Шунингдек гўза парваришини кучайтириш, иш сифатини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Область партия комитетининг бюроси Шофиркон район партия комитетининг ҳисоботини эшитиб, махсус қарор қабул қилди. Сувнинг исроф бўлишига йўл қўйганлиги учун «1 Май» колхозининг раиси Н. Маликов қаттиқ огоҳлантирилди.

Гўза парваришини кучайтириш, сугориш ва бошқа агротехника тадбирларини сифатли ўтказиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

БЕДАГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

Республика Халқ контроли комитети томонидан ўтказилган текширишда шу нарса маълум бўлдики, Андижон область совет ва қишлоқ хўжалик органлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг юқори ҳосил етиштириш учун беда экиш ва ерларнинг агротехника тадбирлари асосида парвариш қилиш ҳақидаги қарорини бажариш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширган.

Область колхоз ва совхозлари бу йил беда экиш планини 105 процент бажарган. Бедалар асосан вилт билан зарарланган майдонларга экилган. Лекин текшириш шуни кўрсатдики, кўпгина хўжаликларда беда уруғи етиштириш ва унинг агротехникасига етарли эътибор борилмаётир. Бу йил область колхоз ва совхозлари эҳтиёжлари учун зарур бўлган беда уруғи билан атиги 40 процент атрофида таъминланганлар. Бироқ шунга қарамай бедани янги усул билан экиш топшириги 50 процент бажарилган, холос. Бўз ва Қўрғонтепа район хўжаликларида эса бундай усул билан бир гектар ерга ҳам беда экилмаган.

Область колхоз ва совхозлари эҳтиёжини қондириш учун 164 тонна беда уруғи керак бўлгани ҳолда 131,4 тонна ёки 80 процент миқдорида беда уруғи бўлган. Область бўйича ҳар бир гектар ерга нормада белгиланган 16 килограмм ўрнига ўртача 12,2 килограмм уруғ сарфланган. Москва, Балиқчи, Бўз ва Избоскан район хўжаликларида бир гектар ерга сепилган беда уруғи бор-йўғи 7—8 килограммни ташкил этган.

Область қишлоқ хўжалик органлари хўжаликларни тегишли техника билан таъминлаш тадбирларини кўрмаганлиги оқибатида 10700 гектар ерга ёки беда уруғи экилган майдоннинг 97 процентида иш қўлда бажарилган. 8,2 минг гектар ерга беда кам самара берадиган усулда экилган.

Саралаганмаган ва текширилмаган уруғдан фойдаланиш ҳоллари ҳам рўй берган. Область бўйича текширилмаган 56 центнер уруғ экилган. Масалан, Москва районидаги Фрунзе номли колхозда давлат уруғчилик инспекцияси текширмаган 8,2 центнер уруғ экилган. Шу райондаги «Ўзбекистон» колхозида ҳам шундай аҳвол рўй берган. Бу ерда 420 килограмм уруғнинг 270 килограмми, «Ленинград» колхозида эса 200 килограмм уруғ текширилмаган. Бундай мисолларни Избоскан, Балиқчи ва бошқа район хўжаликларидан ҳам келтириш мумкин.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текширишда областнинг айрим хўжаликларида беда экишни ҳисобга олишди, кўзбўямачиликка йўл қўйилганлигини ҳам аниқлади. Текширилган 25 хўжаликнинг 11 тасида бу йил беда экилган майдон 113 гектар ошириб кўрсатилган.

Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозида 35 гектар, Свердлов номли колхозда 20 гектар «Шарқ юлдузи» колхозида 4 гектар майдон ошириб ёзилган.

Бу камчиликлар республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Андижон область қишлоқ хўжалик органлари партия ва ҳукуматимизнинг беда экишни кўпайтириш ҳақидаги қарорини бажариш устидан етарли назорат олиб бормаётганлиги ва тегишли тадбирлар белгиламаганликлари оқибатида содир бўлмоқда.

Республика Халқ контроли комитети юқоридаги камчиликларни тезда тугатиш учун тегишли чора тадбирлар белгиладн, область қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига талабчанликни ошириш ҳақида область ижроия комитетининг раис ўринбосари М. Мирзаахмедовнинг берган ваъдасини инобатга олди. Андижон область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи С. Қўчқоровга виговор эълон қилинди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ Худойбердиевнинг эътиборини бедачиликни ривожлантириш ҳақидаги партия ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлашга қаратди.

Республика Давлат уруғчилик инспекцияси (Литвинов)га ҳар бир хўжаликни планда белгиланган миқдорда уруғ етиштириши ва сотиб олиши устидан назоратни кучайтириш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Андижон область ижроия комитети, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, Ўзбекистон давлат карантини ва давлат уруғчилик инспекциясига юқоридаги камчиликларни бартараф қилиш учун қандай чоралар кўрилганлигини шу йилнинг биринчи сентябрида республика Халқ контроли комитетига хабар қилиш таъкидланди.

Шеробод районидаги Ленин номли колхоз ғаллакорлари 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15 центнердан дон топшириб, аллақачон маррани эгаллаган эдилар. Улар шу кунларда юксак мажбурият эвазига дон сотмоқдалар. Суратда: Тўхтамиш Муҳаммадиев бошлиқ ғаллачилик бригадаси далаларида ғалла ўрим-йиғим пайти.

Р. Жуманиёзов фотоси.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—БЕШ ЙИЛЛИК БАЙРОҒИ

ЯНГИ МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАБ

Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда. Уларнинг диди, кийим-кечакка бўлган талаби ҳам ортяпти. Энди ҳамма ҳам яхши тикилган, хушбичим кийимни танлайди. Фирмамиз ишни кишиларнинг талабига яраша ташкил этишга интиляпти. Тикаётган кийим-кечакларимиз сифати борган сари яхшиланмоқда. Планларни ҳам муваффақиятли бажарямиз.

Ишнинг муваффақияти техника прогресси, меҳнат унумдорлигини ошириш, электр энергия ва хом ашёни тежаш, рационализаторлик ҳаракатини кенг оммавийлаштиришга боғлиқ.

Эришган ютуқларимизда шу масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Келгуси режаларимизни ҳам шу асосда қуряпмиз. Корхонамизда жами 16 поток линия бор. Шундан 9 таси механизациялаштирилган бўлиб, 686 га ускуна қўйилган. Ўтган йили 105 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб 484 минг сўм иқтисодий самара кўрилди. Янги типдаги 14 та машина маҳсулот бера бошлади.

Юбилей йили барча саноатчилар қатори фирмамиз ишчилари зиммасига ҳам жуда катта масъулиятли вазифалар юклади. 4 корхона коллективининг ташаббусига қўшилганмиз. Вазифа ишни яхши ташкил этиш, мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, янги техникани зудлик билан ишлаб чиқаришга қўйишни тақозо этади. 1970 йилнинг беш ойи мобайнида анчагина иш қилдик. Январь ойида 3-цехда эркаклар костюми технологик конструкцияси жорий этилди. Иш жараёни анча тезлашди. Битта костюм тикишга кетадиган вақт 2 соатга қисқарди. Ҳисоблаб чиқсак, технологик конструкция туфайли бир йилда олдингига нисбатан 20 минг кўп костюм тикиш мумкин экан. Янги агрегатда меҳнат унумдорлиги 41 процент ортади. 31 кишидан бошқа юмушларда фойдаланиш имкони туғилади. Технологик конструкция фақат 3-цехнинг ўзида йил давомида 285 минг сўм иқтисодий самара беради.

Битта мисол келтирдик. Фирмада янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича қилинаётган ишлар кўп. Масалан, мактаб ўқувчилари костюми технологик конструкциясини жорий этишдан 55 минг сўм фойда кўрилди. Механика цехида махсус мосламаларни тайёрлайдиган ускуналар модернизация қилинди.

Меҳнатни илмий ташкил этиш эътиборимизда бўляпти. Ўтган йили НОТ плани ишлаб чиқилди. Планда 46 та тадбир белгиланди. Бу тадбирлар ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини ошириш, иш жараёнини тезлаштириш билан боғлиқ эди.

Фирмамизда янги тажриба қўллаяпмиз. Ҳар йили мутахассисларимиз Москва, Кишинёв, Таллин шаҳарларидаги фабрика ва фирмаларда бўлишади. Кўринишдан бу иш тилга олишга арзимасдек туюлиши мумкин. Лекин махсус вазифа билан борган мутахассисларимиз қайтиб келгандан сўнг инженер-техник ходимларимиз ўртасида ҳисоб беришади. Фирмамиз учун фойдали деб топилган тажрибалар оммалаштирилади. Ўтган йили 25 та мутахассисимиз турли корхоналарда бўлиб қайтди. Уларга кетаётган йўл сарф-харажатлари қўлланаётган янгиликларимиз туфайли оқланиб кетяпти. Шунингдек, ишчиларнинг малакасини ошириш учун ишлаб чиқариш — техника курсларида, меҳнатнинг илғор методларини ўрганиш курсларида ўқишларини ташкил этяпмиз. Ўтган йили ана шундай курсларда ўнлаб ишчи ўқиди. 45 кини эса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий техника курсларида шуғулланди.

Амалга оширилган тадбирлар юбилей йили топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беряпти. Беш ойлик маҳсулот реализация қилиш плани бажарилди. 1970 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш 1969 йилдагига нисбатан 3,4 процент ортиқ бўляпти.

Бу фактлардан фирмамиз мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланяпти деган хулоса чиқмайди. Ҳали автоматлашмаган, қўл кучи билан бажариладиган ишлар ҳам анчагина. Асосий ишлаб чиқариш бўйича механизациялаштириш даражаси 51,4, ёрдамчи ишлаб чиқариш бўйича эса 27 процентни ташкил этяпти. Айникса, юк ортиш ва тушириш, тайёр буюмларни қайта ишлашда қўл кучидан кўп фойдаланиляпти. Шуни эътиборда тутиб, келгусида техника прогрессига катта аҳамият берилади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ҳисобига келтириладиган янги ускуналар қисқа муддатда фойдаланишга қўйилади.

Юбилей йилининг биринчи кварталида 74 классли, 202, 697 классли ва Ч-313 маркали еттита махсус машина ишлаб чиқаришга жорий этилди. Тайёрлов цехида янги электронмашинаси ишга солинди. Ғалда тайёрлов ва бичиш цехида ишни комплекс механизациялаш, янги корпусни қуриб тугаллаш вазифалари турибди. Бичиш цехида материални бичишнинг янги усули қўллана бошланади. Бу технология газмолни тежаш, бичиш сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради. Барча потокларда технологик конструкцияни жорий этишдан фирма бўйича меҳнат унумдорлиги 10 процентга ортади. Шунингдек, 13 та махсус автомат ва ярим автомат машиналарни ишга солишга тайёрланяпмиз. Меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади. 22 минг сўм самара берадиган 3 та меҳнатни илмий ташкил этиш планини амалга оширишга киришдик.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш меҳнат унумдорлигини оширишга қулай шарт-шароит яратади. Бундан кейин ҳар бир иш жараёнини алоҳида кишилар бажаради. Ишлаб чиқаришнинг такомиллашаётгани ишчиларнинг малакасини ошириш масаласини ўртага қўймоқда. Фирмада ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар яна кўпаяди.

Ҳозир фирмамизда инженер-техник ходимлар, новатор ишчиларнинг ҳаракати, интилиши янги техникани жорий этиш, технологияни такомиллаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш формаларини, буюмлар конструкциясини такомиллаштиришга қаратилган.

Х. АБДУЛЛАЕВА,
Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасининг директори.

ҒАЛЛАКОРЛАР БИЛАН БИР САФДАМИЗ

(ҒАЛЛАЗОРДАН ХАТ)

Халқимизда донимиз-нонимиз, деган ҳикматли гап бор. Деҳқон ерга уруғ ташлагандан то унинг ҳосилини йиғиб-териб олгунча озмунча меҳнат қиладими? Мўл-кўл дон учун кеча-ю-кундуз югуриб елади. Эрта баҳорда ёш майсаларни озиқлантиради, бегона ўтдан тозалайди, сув-селидан хабар оладн. Хуллас, ҳосил ишқида тиним билмайди.

Ҳозирги кунда ғаллакорлар ҳаётида долзарб кунлар бошланди. Пишиб етилган ғалланн ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш, уни янчиш, тозалаш ҳамда давлат омборларига етказиб бериш катта ғайрат-жасорат талаб қилади. Қудратли техника, дон ўриш ва янчиш комбайнларига эга бўлган колхозлар шу кунларда ўрим-йиғим ишларини авж олдириб юборадилар. Лекин, ғалла ўрими мавсумий иш бўлгани учун у тезкорликни тақозо этади. Ишчи кучлари, машина-механизмларга бўлган талаб ортади.

Биз, бир гуруҳ бухоролик шоферлар Ғаллаорол районн колхозлари ва совхозларининг ғалла ўрим-йиғимини ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларини зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқдик. Шундан кейин ғаллакорларга ёрдам беришга, мўл-кўл дон ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда қатнашишга отландик. Ҳозир биз Қашқадарё областининг Қамаши районидаги Карл Маркс номли, «Фарғона» совхозлари ғаллакорлари билан бир сафда турибмиз, ўрим-йиғим ишларида қатнашмоқдамиз. Тўғри, дастлабки кунлари ишни ташкил қилиш бирмунча қийин бўлди. Сўнгра ҳаммамиз ўз бурчимиз, вазифамизни аниқлаб олдик.

Ёрдамга келган дўстларимизнинг ҳаммаси шоферлар бўлса ҳам улар ўртасида комбайнни бошқара оладиган, дон янчишни уддалай биладиганлари ҳам чиқди. Масалан, Бухородаги 118-автобаза шоферн Саври Рўзиев, Нусрат Шариповлар бултур ҳам ғалла ўрим-йиғимида қатнашган. Улар бу йил комбайнда ишлашяпти. Навоий районидаги 34-, Вобкент районидаги 37-, Ромитан районидаги 27-, Қоғон районидаги 97-, Бухоро шаҳридаги 118-, 61, 95, 132-автобазалардан келган 140 га яқин сергайрат шоферлар ғалланн омборларга пешма-пеш етказиб беришда активлик кўрсатмоқдалар. Умуман, Бухоро область автотрестига қарашли базалардан келган юк машиналари ёрдамида ҳозирга қадар салкам 20 минг тонна дон ташилди. Бу рақам кун сайин ортиб бормоқда.

Бухородан Қашқадарёга келиб ишлаётган ёрдамчилар учун барча қўлай шарт-шароитлар яратиб берилган. Бундан ташқари Бухоро область автотрестининг бошқарувчиси Искандар Хўжаев бошлиқ бир гуруҳ ўртоқлар ғалла ўрим-йиғимида иштирок қилаётганлардан тез-тез хабардор бўлиб турибдилар. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини кўтаришга ёрдам бермоқда. Расул Тошев, Рўзи Муродов, Муртазо Ёдгёров, Василий Татянов, Зиёдулла Муродов, Мардон Очилов, Неъмат Аҳмедов, Муҳиддин Хўжаев каби ўнлаб шоферлар кунлик топшириқни муттасил ошириб бажармоқдалар. Жуда кўп шоферлар ғаллакорлар ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Биз қашқадарёлик кўп сонли ҳамкасбларимиз билан бирга бепоён далаларда пишиб етишган дон ҳосилини йиғиштириб олишдек шарафли ва муқаддас ишда фаол қатнашамиз. Дон канча кўп бўлса, шунча маъмурчилик бўлади. Халқимиз бой-бадавлат бўлади. Она-Ватанимиз тагин ҳам қудратлироқ, юртимиз тинч ва ободроқ бўлади.

Ф. ШАМСИЕВ,
Н. ШАРИПОВ,
С. РЎЗИЕВ,
Бухородаги 118-автобаза шоферлари.

ТУРСУНОЙ Ашурова ўз касбидан миннатдор. Бекобод районидаги 1- «Далварзин» совхозининг илғор сут соғувчиси Турсуной Ашурова ўз қарамоғидаги 29 бош сигирдан сал кам 60 минг тонна сут соғиб олишга аҳд қилган. У ярим йиллик планини анча ошириб бажарди. Суратда: сут соғувчи Т. Ашурова.

Т. Рўзматов фотоси.

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА КЕНГАШ

29 июнда Москвада СССР Ички ишлар министрлиги раҳбар ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда иттифоқдош республикалар ва автоном республикалар ички ишлар министрлари, ўлка ва область ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари қатнашдилар.

Ҳуқуқ тартибини бузувчиларни қайта тарбиялаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва жамоат тартибини сақлаш ишларини янада яхшилаш тўғрисида СССР ички ишлар министри Н. А. Шчелоков доклад қилди. (ТАСС).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

САН-ХОСЕ, (ТАСС). Коста-Рика матбуоти Коста-Рика билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дастлабки савдо битимининг имзоланганлиги ҳақида хабар беради. Бу битим Коста-Рика экономикасининг ривожланишига ёрдам беради, деди «Колумбия» радиостанцияси. Совет Иттифоқи савдо-сотиқ муносабатларини ўзаро манфаатли асосда олиб бораётганлиги эшитиришда таъкидлаб ўтилди.

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Европада мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида олға қараб яна бир қадам қўйилди. Будапештда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрларининг муҳим кенгаши бўлиб ўтди. Жаҳон кенг жамоатчилигининг яқдиллик билан изҳор қилган фикрича, бу кенгаш Умумевропа кенгашига тайёргарликни амалий изга кўчириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиришга катта ҳисса қўшади.

Европа мамлакатларининг матбуоти социалистик давлатларнинг Будапештда Умумевропа кенгашининг самарали ишлаши ва муваффақиятли ўтишини таъминлаш йўлида зўр бериб ҳаракат қилишга қатъий қарор берганликларига юксак баҳо берди. Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси Будапештдаги учрашув қатнашчилари манфаатдор бўлган барча мамлакатларни Европада хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан кенгашга тайёргарлик кўриш ва уни ўюштиришда бевосита қатнашишга даъват этганликларини алоҳида таъкидлади. Англияда чиқадиган «Таймс» газетаси Будапештда якка-якка тартибда ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда Европа қитъасида кескинликни юмшатиш, хавфсизлик ва тинч ҳамкорлик ишига бундан буён ҳам ёрдам бериш учун қатъий бел боғланганлиги изҳор қилинди, деб уқтириб ўтади.

Будапешт кенгашининг ахборотида министрлар тегишли ҳужжатни яқдиллик билан маъқуллаганликлари ҳақида гапирилади. Бу ҳужжат 27 июнда эълон қилинди. Ҳужжатда Умумевропа кенгашининг чақирилишини таъминлаш мақсадида бундан буён кўриладиган муҳим чоралар белгиланди. Бу чоралар хусусан кенгашнинг барча манфаатдор давлатларга мақбул бўлган кун тартиби ва кенгашга тайёргарлик методлари тўғрисида бамаслаҳат келишиб олишни кўзда тутади.

Европа мамлакатларининг, жумладан, кенгашда Европа хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи доимий органни вужудга келтириш масаласини муҳокама қилиш ҳақидаги таклифга қоят қизиқиб қаради. Бу доимий орган ташкил этилгандан кейин, масалан, чет эл территорияларидаги қўшинлар сонини қисқартириш каби муҳим масалани ҳам муҳокама қила олур эди.

Европадаги социалистик мамлакатларнинг жаҳон миқёсида коллектив бўлиб кўрган янги тадбирлари уларнинг Европада тинчлик ва хавфсизлик гарантияларини вужудга келтириш учун курашдаги ҳаракат бирлигини ёркин намойиш қилади.

Г. ШИШКИН,
(ТАСС).

ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТИ

ҚОҲИРА, 29 июнь. (ТАСС). Фаластиндаги «Фатх» ташкилотининг партизанлари Иордан дарёси водийсида ва юқори Галилейда Исроил босқинчиларига қарши бир неча муваффақиятли операция ўтказдилар.

Бирлашган Фаластин қўмондонлигининг МЕН агентлиги тарқатган ахборотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: Кеча партизанлар Исроилнинг ана шу районлардаги бир қанча ҳарбийлаштирилган манзилгоҳларини ўққа тутганлар ва уларга қарата ракеталар отганлар.

«Фатх» ташкилотининг жангчилари юқори Галилейда Исроилнинг патрулига ҳужум қилганлар. Ҳужум натижасида душман солдатларидан анчаси ўлдирилган.

ЯНА ИҒВОГАРЛИК

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил самолётлари Ливаннинг жанубий районларига яна ҳужум қилган. Ливан ҳарбий қўмондонлиги вакилининг айтишича, Хилват ал-Байяда, Рашайя, Фухар ва Хаббатия (Хасбайя райони) қишлоқларининг атрофини бомбардимон қилган. Ана шу ҳужум натижасида моддий зарар етказилган. Кишилар қурбон бўлмаган.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Яқинда республика «Билим» жамиятининг область референтлари иштирокида семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар-кенгашнинг Ўзбекистон «Билим» жамияти правленеси раиси, академик И. Мўминов очди.

Семинар-кенгашда И. Володин «Илмий методик совет ва секция ишларига раҳбарлик — лекция пропагандасининг муҳим участкаси», А. Кондрасюк «Халқ университетларига жамиятнинг методик ёрдамини кучайтиришда ташкил қилиш вазифалари», А. Холмирзаев «Илмий атеистик пропагандани кучайтиришда жамият ташкилотларининг вазифалари», Г. Алексеева «Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг ёшлар орасида лекция пропагандасини кучайтириш вазифалари тўғрисида» доклад қилдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё область «Билим» жамиятларининг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

МЕЪМОРЛИК ОБИДАЛАРИ

Ўзбекистон меъморлик обидалари йил сайин жаҳон жамоатчилиги эътиборини қозониб бормоқда. Беш қитъадан келаётган меҳмонлар ўзбек халқининг қадимий меъморлик обидалари билан танишиб, эстетик завқ олмоқдалар.

Москвада Шчусев музейида Ўзбекистон кўргазмалар ва панорамалар дирекцияси республикамиз меъморлик ёдгорликларининг кўчма кўргазмасини ташкил этган эди. Москваликлар тўққиз ой мобайнида халқимизнинг миллий ифтихори бўлган обидалар суратини ҳаяжон билан томоша қилдилар. Эндиликда ана шу кўргазма Ўзбекистон Архитекторлар союзининг виставка залида намойиш қилинмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, виставка Ленин юбилейи йилида очилди. Маълумки, Владимир Ильич Ленин тарихий ва маданий ёдгорликларни тартиб ва ташвиқ қилишга катта аҳамият берар эди. Улуғ доҳиймиз халқ оммаси санъат ва маданият хазиналаридан баҳраманд бўлиши керак, деб қайта-қайта уқтирарди.

Кўргазмага келувчилар кўз ўнгида Бухоронинг ноёб дурдоналари гавдаланади. Кўкалдош, Мираб мадрасалари, бошқа кўпдан-кўп ёдгорликларнинг ўткир дид билан олинган фотосуратлари томошабинда катта таассурот қолдирмоқда.

Бибихоним масжиди, Гўриамир мақбараси, Хиванинг меъморлик обидалари суратлари ҳам виставкадан ўрин олган.

Е. УНДЕРОВА.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Баҳсимиз мавзуи: ЭСТЕТИКА

Мазкур мақолада Маҳмуджон Нурматовнинг «Эстетик тарбиянинг баъзи масалалари»* номли китобчаси хусусида баҳс юритмоқчимиз. Бу рисола муаллифнинг тўртинчи китобчасидир. Бунгача фалсафа фанлари кандидати М. Нурматов фалсафий, танқидий ва публицистик мақолаларидан ташқари ўзининг учта китобчасини китобхоналарга совға этган эди.

«Ўқитувчи» нашриёти нашр этган «Эстетик тарбиянинг баъзи масалалари» китобчаси болаларга эстетик тарбия беришда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг вазифалари бир варақайига қамраб олинган ва ёритилган биринчи китобчадир.

Рисолада тадқиқотнинг фалсафий, эстетик ва педагогик жиҳатлари уйғунлашиб кетади, бу жиҳатлар эстетик тарбиянинг назарий муаммоларини илмий тарзда ёритишга бўйсундирилади. Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг эстетик тарбия бобидаги вазифаларини таҳлил этар экан, муаллиф марксизм-ленинизм классикларининг шу хусусдаги ўлмас таълимотига, КПСС программасига ва партиянинг бошқа кўрсатмаларига асосланиб иш тутади.

Китобчанинг яхши хусусиятларидан яна бири шундаки, у — ҳаёт билан ҳамнафасдир. М. Нурматов мактаб ҳаёти, мактаб ўқув программалари, шунингдек, олий ўқув юртлари ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларидан хилма-хил, ўринли мисоллар келтиради; бу эса мазмун баёнини енгиллаштиради, китобни тушунишни қулайлаштиради, унинг илмий ва амалий қимматини оширади. Чунончи, муаллиф Янгиқўрғон районидаги 67-ўрта мактабнинг эстетик тарбия бобидаги ижобий тажрибасини ёритар экан, ўзбек мактабларида муносиб эстетик муҳит яратиш зарурлиги тўғрисидаги хулосани олга суради. «Мактабда яхши эстетик муҳит яратилган тақдирда, — санъат ва адабиёт тарғиботида, ташвиқоти ва ўқитилиши унумдор заминга тушган бўлади, яъни мактаб бадиий тарбиянинг чинакам мувофиқ саҳнасига айланади; шундай саҳна бўлмаса, бадиий тарбия спектаклини яхши ўйнаб бўлмайди».

Муаллиф эстетик тарбиянинг мақсади, йўллари, шаклларини ёритар экан, бадиий тарбиянн махсус тадқиқ этади; уни эстетик тарбиянинг бир томони, бир мақсади ва бир мазмуни сифатида баҳолайди. Шу муносабат билан китобхон адабиёт ўқитиш методикаси ва ўзбек адабиётшунослигига доир айрим ишларнинг эстетик таниқиди билан ошна қилинади.

Рисоланинг яна бир ютуғи шундаки, ундаги фикр ва хулосалар энг сўнгги ҳақиқат сифатида эмас, балки, кўпроқ муҳокама, мулоҳаза, баҳс сифатида баён этилади. Илмий мунозара бу китобчанинг мазмунини бойитади, публицистик пафосини кучайтиради, китобхонни бошқа китоблар ва мақолалар кўчасига етаклайди.

Ўзбек тилидаги биринчи рисола бўлганлигидан бу китобда муайян камчиликлар ва баҳсли ўринлар кам эмас. Масалан, мафкуравий кураш ва эстетик тарбия масаласини кенгроқ ёритиш, ўзбек классик адабиётини ўқитишда нафосат тарбиясини амалга ошириш муаммосига махсус боб ажратиш зарур эди. Назаримизда, китобчада турмуш эстетикаси ва нафосат тарбияси, олий ўқув юртларида эстетик тарбия, меҳнат ва нафосат тарбияси сингари масалаларга мазкур рисоладан жой берилганда, у яна ҳам мукаммал бўлур эди. Хуллас, доцент М. Нурматовнинг «Эстетик тарбиянинг баъзи масалалари» номли рисоласи файласуфлар, адабиётшунослар ва маърифчилар кутган китобчадир.

Абдусалом СОАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати,
Мажид ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати.

*). Маҳмуджон Нурматов. Эстетик тарбиянинг баъзи масалалари. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1969 й.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

488.750 ДОНА ЮТУҚ

Ўзбекистон ССР 1970 йилги пул-буюм лотереяси учинчи чиқарилиши бўйича 1970 йил 27-28 июнда Ғиждувон шаҳрида ўтказилган ютуқ тиражининг расмий жадвали

ТИРАЖДА ҲАММАСИ БЎЛИБ УМУМИЙ СУММАСИ САККИЗ ЮЗ ЕТМИШ ЕТТИ МИНГ БЕШ ЮЗ СУМ БЎЛГАН 488.750 ДОНА БУЮМ ВА ПУЛ ЮТУҒИ ЎЙНАЛДИ.

АНА ШУ ЛОТЕРЕЯНИНГ БЕШ РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ НОМЕРИ ВА БИЛЕТ НОМЕРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛГАН ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИГА ЮТУҚ ЧИҚДИ:

Серия номерлари	Билет номерлари	Ютуққа чиққан буюмнинг номи ва пул ютуғининг ҳажми	Ютуққа чиққан буюмнинг пули (сўм тийин)
31208	164*)	50 сўм пул ютуғи	— —
31241	106*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
31251	247*)	Телевизор	354—00
31256	236*)	100 сўм пул ютуғи	— —
31257	146*)	Телевизор	354—00
31258	004*)	Телевизор	354—00
31262	224*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31269	054*)	«ИЖ-Юпитер» мотоцикли	654—00
31275	184*)	Жун рўмол	20—50
31280	222*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31300	085*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31306	130*)	Жун рўмол	20—50
31307	239*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31317	219*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31323	042*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31326	046*)	«Ригонда-Моно» радиоласи	141—00
31333	131*)	100 сўм пул ютуғи	— —
31363	002*)	50 сўм пул ютуғи	— —
31365	160*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31368	196*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
31372	167*)	200 сўм пул ютуғи	— —
31392	215*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31408	057*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31417	128*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31426	039*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31439	225*)	Жун рўмол	20—50
31443	105*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31447	071*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
31448	243*)	Жун рўмол	20—50
31466	187*)	Жун рўмол	20—50
31482	051*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31485	146*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
31491	001*)	200 сўм пул ютуғи	— —
31495	191*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31522	058*)	Жун рўмол	20—50
31523	207*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31530	178*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31567	175*)	Жун рўмол	20—50
31584	247*)	«М-63» аравачали мотоцикли	1250—00
31585	088*)	50 сўм пул ютуғи	— —
31602	195*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31622	023*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
31638	001*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31641	120*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
31644	170*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
31645	184*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
31663	117*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31672	090*)	50 сўм пул ютуғи	— —
31684	063*)	200 сўм пул ютуғи	— —
31692	047*)	50 сўм пул ютуғи	— —
31714	018*)	50 сўм пул ютуғи	— —
31727	184*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31733	162*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
31742	071*)	Жун рўмол	20—50
31743	043*)	Телевизор	354—00
31751	134*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31784	230*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
31792	065*)	Жун рўмол	20—50
31816	028*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31817	122*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31818	148*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
31842	238*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31878	226*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31890	209*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31900	036*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31944	023*)	Жун рўмол	20—50
31957	236*)	25 сўм пул ютуғи	— —
31961	112*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
31979	031*)	«ИЖ-Юпитер» мотоцикли	654—00
32005	184*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32035	064*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32048	042*)	1000 сўм пул ютуғи	— —
32056	151*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32065	017*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32066	230*)	Жун рўмол	20—50
32068	020*)	50 сўм пул ютуғи	— —
32078	038*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32084	075*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32100	144*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32104	240*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32139	029*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32140	112*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32151	052*)	50 сўм пул ютуғи	— —
32155	010*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32161	033*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32164	053*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32181	119*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32192	202*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32198	187*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32207	233*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32214	169*)	500 сўм пул ютуғи	— —
32215	182*)	50 сўм пул ютуғи	— —
32219	093*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32228	181*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32229	1—250	10 сўм пул ютуғи	— —
32232	146*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32233	127*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32238	159*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32243	102*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
32252	204*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
32276	247*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32284	209*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32289	136*	«Саратов-2» холодильники	150—00
32301	067*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32302	239*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32320	007*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32321	100*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32339	191*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32348	034*)	300 сўм пул ютуғи	— —
32349	078*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32355	220*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32357	155*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32368	068*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32379	246*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32388	174*)	Жун рўмол	20—50
32393	245*)	Кино суратга оладиган аппарат	151—00
32397	137*)	300 сўм пул ютуғи	— —
32427	004*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32451	130*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32453	195*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32467	185*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32481	159*)	«Запорожец-966» автомашинаси	3500—00
32488	036*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32498	063*)	200 сўм пул ютуғи	— —
32503	111*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32522	1—250	10 сўм пул ютуғи	— —
32525	148*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32530	058*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32538	244*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32542	047*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32564	053*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32575	167*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32579	191*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32583	097*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32584	242*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32599	233*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32603	083*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32617	173*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32628	137*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32633	020*)	50 сўм пул ютуғи	— —
32664	029*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
32665	103*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32666	176*)	50 сўм пул ютуғи	— —
32683	159*)	1000 сўм пул ютуғи	— —
32701	076*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32703	068*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
32704	211*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32712	141*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32728	132*)	50 сўм пул ютуғи	— —
32733	068*)	50 сўм пул ютуғи	— —
32747	018*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32760	033*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32765	078*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32779	098*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32786	158*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32792	124*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32810	073*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32812	149*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32818	248*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
32819	225*)	Телевизор	354—00
32828	210*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32835	217*)	200 сўм пул ютуғи	— —
32855	016*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32869	125*)	Жун рўмол	20—50
32883	196*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
32889	167*)	100 сўм пул ютуғи	— —
32894	019*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32896	180*)	300 сўм пул ютуғи	— —
32907	217*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
32909	208*)	50 сўм пул ютуғи	— —
32910	100*)	Жун рўмол	20—50
32918	103*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
32941	004*)	25 сўм пул ютуғи	— —
32950	034*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
32976	107*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33002	111*)	«Москвич-412» автомашинаси	4936—00
33006	220*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33025	197*)	«Ригонда-Моно» радиоласи	141—00
33032	163*)	Жун рўмол	20—50
33038	221*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33050	218*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33069	244*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33071	021*)	200 сўм пул ютуғи	— —
33038	018*)	Жун рўмол	20—50
33088	229*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33094	188*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33095	020*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33112	095*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33120	110*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33125	039*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33129	218*)	Жун рўмол	20—50
33140	043*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33149	042*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33162	160*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33168	108*)	Жун рўмол	20—50
33188	128*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33194	173*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33200	130*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33210	028*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33212	176*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33223	057*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33229	114*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33237	121*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33238	1—250	10 сўм пул ютуғи	— —
33243	207*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33247	116*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33248	224*)	200 сўм пул ютуғи	— —
33249	214*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33253	141*)	Жун рўмол	20—50
33281	218*)	Жун рўмол	20—50
33282	228*)	Кино суратга оладиган аппарат	151—00
33298	234*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33299	209*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33311	248*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33318	143*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33325	017*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33333	007*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33350	052*)	200 сўм пул ютуғи	— —
33352	1—250	10 сўм пул ютуғи	— —
33365	022*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33373	074*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33380	229*)	100 сўм пул ютуғи	— —
33392	044*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33394	157*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33404	224*)	100 сўм пул ютуғи	— —
33419	020*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33441	134*)	Кино суратга оладиган аппарат	151—00
33442	141*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33452	019*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33455	145*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33459	089*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33461	197*)	200 сўм пул ютуғи	— —
33485	010*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33501	049*)	Телевизор	354—00
33517	235*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33525	075*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33546	058*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33571	164*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33574	181*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33585	049*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33587	122*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33590	035*)	Жун рўмол	20—50
33596	122*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33601	177*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33612	084*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33618	025*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33635	158*)	Жун рўмол	20—50
33641	085*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33656	119*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33662	101*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33666	104*)	«ИЖ-Юпитер» мотоцикли	654—00
33685	002*)	1000 сўм пул ютуғи	— —
33686	032*)	1000 сўм пул ютуғи	— —
33740	024*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33744	077*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33752	019*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33756	125*)	Жун рўмол	20—50
33758	099*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33759	247*)	100 сўм пул ютуғи	— —
33763	151*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
33764	041*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33785	154*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
33792	107*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33826	060*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33829	225*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33835	225*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33842	047*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
33848	006*)	«Москвич-412» автомашинаси	4936—00
33871	182*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33874	243*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33879	159*)	Жун рўмол	20—50
33895	102*)	25 сўм пул ютуғи	— —
33907	167*)	50 сўм пул ютуғи	— —
33918	086*)	Жун рўмол	20—50
33922	198*)	500 сўм пул ютуғи	— —
33938	046*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33980	097*)	Кино суратга оладиган аппарат	151—00
33988	135*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
33993	049*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34001	111*)	200 сўм пул ютуғи	— —
34002	013*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
34042	135*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34051	208*)	«Ригонда-Моно» радиоласи	141—00
34052	154*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34059	089*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34062	199*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34063	019*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34071	171*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34090	089*)	200 сўм пул ютуғи	— —
34097	145*)	200 сўм пул ютуғи	— —
34099	229*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34101	187*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34115	241*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34136	051*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34139	128*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34144	199*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34145	249*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34147	171*)	«М-63» аравачали мотоцикли	1250—00
34164	159*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34169	187*)	«М-63» аравачали мотоцикли	1250—00
34184	098*)	300 сўм пул ютуғи	— —
34200	118*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34202	129*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34204	248*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34206	090*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34214	038*)	Телевизор	354—00
34215	051*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34216	104*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34217	181*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34247	1—250	10 сўм пул ютуғи	— —
34255	158*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34259	046*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34280	130*)	«Запорожец-966» автомашинаси	3500—00
34289	128*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34304	197*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34310	172*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34311	104*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
34328	072*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
34333	023*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34337	096*)	Жун рўмол	20—50
34338	246*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34339	178*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34358	250*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34363	238*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34365	164*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34370	111*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34381	195*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34415	024*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34428	011*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34450	214*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34459	246*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34466	128*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34499	049*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
34501	203*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34504	236*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34516	015*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34519	055*)	«М-63» аравачали мотоцикли	1250—00
34544	1—250	10 сўм пул ютуғи	— —
34582	139*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34592	023*)	Телевизор	354—00
34593	152*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34597	102*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34612	070*)	300 сўм пул ютуғи	— —
34617	1—250	10 сўм пул ютуғи	— —
34627	139*)	Жун рўмол	20—50
34643	195*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34645	025*)	300 сўм пул ютуғи	— —
34653	243*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34661	214*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34670	218*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34681	166*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34688	027*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34695	234*)	«Чайка-66» магнитофони	125—00
34696	1—250	10 сўм пул ютуғи	— —
34699	098*)	Кино суратга оладиган аппарат	151—00
34711	084*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34719	070*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34764	104*)	200 сўм пул ютуғи	— —
34779	122*)	500 сўм пул ютуғи	— —
34805	176*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34821	109*)	Жун рўмол	20—50
34825	146*)	200 сўм пул ютуғи	— —
34847	030*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34849	026*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34851	215*)	«ИЖ-Юпитер» мотоцикли	654—00
34867	015*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34869	214*)	Жун рўмол	20—50
34870	012*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
34876	128*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34881	077*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34882	051*)	Телевизор	354—00
34885	153*)	50 сўм пул ютуғи	— —
34890	010*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34896	047*)	200 сўм пул ютуғи	— —
34918	180*)	100 сўм пул ютуғи	— —
34927	182*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34934	105*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34959	127*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34968	166*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34981	104*)	25 сўм пул ютуғи	— —
34985	010*)	1,35Х2 метрли гилам	59—00
34986	182*)	«Саратов-2» холодильники	150—00
34989	021*)	Жун рўмол	20—50
34993	084*)	100 сўм пул ютуғи	— —
35003	227*)	«Ригонда-Моно» радиоласи	141—00
35017	099*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
35035	239*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
35038	181*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
35057	130*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
35063	111*)	4 метр гилам поёндоз	40—00
35096	075*)	«Саратов-2» холодильники	150—00

*) Шу серия номерлари билан 249 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

Жадвалда учрайдиган «1—250» гача белги шу серия номерлари 250 та лотерея билетининг ҳаммасига бир хил ютуқ чиққанлигини билдиради.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Ютуқ чиққан лотерея билетини эгаси хоҳласа шу буюм ютуғининг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. Буюм ютуқлари жойларда ажратилган давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинларида берилади ёки Ўзбекистон бошқармасининг нарядига биноан Центросоюзнинг Тошкент шаҳридаги Кооппосилторг базаси томонидан юборилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 500 сўмгача бўлган ютуқларнинг қийматини иттифоқчи республикалар, ўлка, область ва шаҳарларнинг ҳамма марказий омонат кассаларида ҳам тўлаб беради.

Буюм ютуқларини ҳам шу омонат кассалар орқали талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1971 йил 30 июнгача топшириш керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқчи республикаларда ўтказиладиган пул-буюм лотереялари билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги марказий омонат кассаларига текшириш ва ютуқларни шу кассалар орқали олиш мумкин.

Буюм ва пул ютуқлар ана шу расмий жадвалга қараб тўланади.

Ютуқлар газетанинг навбатдаги сони чиққандан сўнг тўлана бошланади.

Ютуқ тиражини ўтказиш комиссиясининг раиси — Ғиждувон район ижроия комитетининг раиси — Г. УРУНОВ.

Комиссиянинг масъул секретари — К. ЮСУПОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — **Тошкент кўрсатади.** 18.30 — Телеянгиликлар. **Узбек тилида:** 18.40 — **«Юлдузча».** 19.15 — Рубсб тароналари. 19.50 — Телеянгиликлар. 20.00 — **Москва кўрсатади.** 22.30 — **Футбол: ЦСКА—«СПАРТАК»** (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — **Тошкент кўрсатади.** 18.30 — Ўсмирлар учун эшиттириш. 19.10 — Ҳужжатли фильм. **Узбек тилида:** 20.00 — Реклама. 20.10 — Кинофильм. 20.30 — Беш йиллик—муддатидан илгари. 20.50 — **«Сатурн»га йўл»** (бадиий фильмнинг 1.серияси). 22.10— Мақом кечаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент кўрсатувлари.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/VII да — **Паранжи сирлари,** 2/VII да — **Гавҳари шамчироқ,** 3/VII да — **Нурхон.**

КИНО

ҚИШКИ ВИНОДА

Яшасин севги — «САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11, кундуз 2,5 ва кеч соат 7.40 минутда).

Елканлар бўлса... — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни) «ЧАЙКА» (кеч соат 10 да).

Бир кун ва бир умр — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 6 ва 8 да).

Қора лола — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 10 да).

ЕЗГИ ВИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Фреди, биринчи ур! — «РАКЕТА».

Қора лола — ТЕЛЬМАН номли.

Елканлар бўлса... — «ФЕСТИВАЛЬ».

Яшасин севги — «ХИВА».

РЕСПУБЛИКА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУЗИКА ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ
1970-1971 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

билим юрти мактабгача тарбия муассасаларига музика раҳбари ва ўрта мактабларда музика ҳамда ашула ўқитувчиси тайёрлайди.

Ўқув юртига ўрта мактабнинг 8-синфини ва музика мактабининг 7-синфини битирган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати: 3 йил 10 ой. Аризалар 15 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар юзасидан ўтказилади: **фортепьяно, сольфеджио ва музика саводи, она тили** (ёзма), **она тили ва адабиёт** (оғзаки).

Ўзбек группаларига музика мактабини тамомламаган, лекин яхши музика қобилиятига эга бўлганлар ҳам қабул қилинади.

Қабул қилинган ўқувчилар умумий қоидалар бўйича стипендия ва бошқа ердан келганлар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор райони, 17 квартал 38 «а» уй (18 трамвайнинг «17 квартал» бекати).

УЗБЕККОНЦЕРТ

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

СССР БУЯЛАБ ГАСТРОЛЛАР

8, 9, 11, 12 июлда

Атоқли ҳинд артистларининг кечалари (25 кишидан иборат группа)

ПРОГРАММАДА: ҲИНД МУЗИКА ВА РАҚСЛАРИ

Билетлар ҳар куни кундуз соат 2 дан концерт залининг кассасида сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Кеч соат 8 яримда бошланади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг журнали «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» редакцияси коллективи, журналнинг собиқ техник редактори, 1930 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер **Ҳайдар ЮСУПОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти коллективи нашриётнинг бўлим мудири У. Зокировга оиласи **Ҳожал ЗИЕМУҲАМЕДОВанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 333793. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўрин. босарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334324. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330